

ҒОЙИБНАЗАРОВ Раҳматилла Раҳимбоевич,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ёшлар билан ишлаш, маънавият
ва маърифат бўлими бошлиғи,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент
RahmatullaGaipnazarov@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИ РИВОЖИДА МИЛЛИЙ, ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

МЕСТО НАЦИОНАЛЬНЫХ, РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ПРОГРЕССА УЗБЕКИСТАНА

THE ROLE OF NATIONAL, RELIGIOUS VALUES IN THE NATIONAL DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон давлати ўз миллий тараққиёти жараёнида - жамият қонунлари ва ҳуқуқий нормаларидан, фан-техника, маданият ютуқлари ва умуминсоний ва диний қадриятлардан тўла фойдаланиши, бошқа соҳалар каби дин ва диний қадриятларнинг ушбу жараёнда тутган ўрни масалаларига эътибор қаратилади. Шунингдек, бугунги кунда диний қадриятларни тиклаш масаласига катта аҳамият берилаётгани, амалга оширилаётган дин соҳасидаги ислохотлар, тарғибот ишлари ва бу борадаги муаммолар фалсафий таҳлил этилади.

Калим сўзлар: жамият, дин, маданият, қонун, ғоя, маънавият, сиёсат, ислом, иймон, давлат, қадрият, ислохот, ҳуқуқ, конституция.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль религиозных ценностей в национальном развитии Узбекистана. Особое внимание уделяется взаимосвязи религиозных ценностей с другими факторами прогресса, такими как законы и правовые нормы, наука и техника, достижения культуры и общечеловеческие ценности. В статье анализируются современные тенденции в области религиозной политики Узбекистана, включая восстановление религиозных ценностей, религиозные реформы и просветительскую деятельность. Также в статье представлен философский анализ проблем,

связанных с ролью религии в современном узбекском обществе.

Ключевые слова: общество, религия, культура, право, идея, духовность, политика, ислам, вера, государство, ценности, реформа, закон, конституция.

Annotation: In this article, attention is paid to the issues of the state of Uzbekistan in the process of its national development - the full use of society's laws and legal norms, science and technology, cultural achievements and universal and religious values, as well as the role of religions and religious values in this process. Also, today, great importance is attached to the restoration of religious values, religious reforms, propaganda work and problems in this regard are philosophically analyzed.

Keywords: society, religion, culture, law, idea, spirituality, politics, Islam, faith, state, value, reform, law, constitution.

КИРИШ

Маълумки, давлат ўз миллий тараққиёти жараёнида жамият қонунлари ва ҳуқуқий нормаларидан, фан-техника, маданият ютуқлари ва умуминсоний ва диний қадриятлардан тўла фойдаланиш масалаларига эътибор қаратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмокда, биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган холда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда. Барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмокда. Улардан кўзланган мақсад – Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун – деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат” [1; 22].

Президент Ш.Мирзиёев томонидан урғу берилганидек, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли

жамият барпо этилар экан, албатта биз бундай миллий келажак тараққиётига барча илғор мамлакатлар сингари дунёвий давлат қуриш орқали боришимизни унутмаслигимиз даркор. Дунёвий давлат тараққиётида диний-маърифий ва умуминсоний ғоялар муҳим ўрин тутати. Соф диний қарашлар жамиятдаги бошқа ғоявий қарашлар, маънавий йўналишлар билан бир қаторда ҳалоллик, тинчлик, осойишталик, фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, бугунги кунда Ўзбекистонда Президент Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида миллий ва диний қадриятлар тикланишига катта аҳамият берилаётганлиги ва бу борадаги амалга оширилаётган ислоҳотлар бежиз эмас, албатта.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ барча фуқаролар учун, уларнинг миллати, ирқи ҳамда диний эътиқодидан қатъий назар, виждон эркинлиги кафолатланган. Чунки, Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар истиқомат қилади ва уларнинг динлари ҳам хилма-хил. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафқураси, тартиб-қоидалари, ҳаёт тарзи ва дунёқараши, ўзининг фалсафий қараши, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Шунга мувофиқ, ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Диний қадриятлардан маданият ва маънавиятни юксалтириш йўлида фойдаланиш зарур. Ундан бузғунчилик, ҳокимиятга эришиш учун қурол сифатида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди.

Диний қадриятларни миллий қадриятлардан ажратиб ўрганиш ёки таҳлил қилиш қийин. Чунки, миллий қадриятлар диний қадриятлар билан қўшилиб кетиб, мукамал ҳақиқий инсоний қадриятларга айланган. Ўзбекистон халқлари ўзларининг қадимий ва ижобий қадриятларига бой тарихида кўпгина динларга ҳурмат билан қараганлар ва ўз даврларига мансуб илғор ижобий қадриятларни шакллантириш борасида улардан унумли фойдалана билганлар.

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш

жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, бой илмий-тарихий меросни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилаётгани ушбу фикрларнинг исботидир. Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Ижобий қадриятлар юзага келган жараёнда диний қадриятлар, маросимлар, ибодатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Дин, хусусан ислом билан боғлиқ қадриятларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш борасида фақатгина ислом ғоялари ва маросимларини ўрганиш билан чекланиб қолиш етарли эмас. Айни замонда дин билан боғлиқ қадриятларни ўрганиш ақидапарастлик билан боғланмаслиги керак. Ақидапарастлик ҳеч қаерда, ҳеч қачон ижобий қадрият ҳисобланмаган. Қолаверса, Ўзбекистон халқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва нисбатан узоқ тарихий даврларда мавжуд бўлган зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик динларининг тарихини ўрганмасдан туриб, ислом дини тарихининг ўзини ҳар томонлама билиш мумкин эмас. Кейинги йилларда миллий ва диний анъаналаримизни чуқур ўрганишга ва ундан диний-ахлоқий қадриятларимизни қайта тиклаш, шунингдек, улардан миллий тараққиётимиз учун оқилона фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон миллий тараққиётида диний қадриятларнинг моҳияти масаласи таҳлил этилар экан, қадрият ўз табиатига кўра, ижтимоий-тарихий хусусиятга эга бўлиб, миллат тараққиёти жараёнида ўзгариши ва такомиллашишини таъкидлаш лозим [5; 45].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам қадрини нечоғлик юксакликка кўтариши билан баҳоланади.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ислохотларнинг моҳияти ана шу тамойилдан келиб чиқади. Уни амалга оширишда миллий ва диний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши катта аҳамият касб этади. Хусусан, демократия моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Ҳар қандай омиллар ўзининг миллат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан ўлчанади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, диний қадриятлари ҳам ўз ижобий самараси билан ўлчанади.

Таъкидлаш жоизки, миллий ва диний қадриятларни қарама-қарши қўйиш – миллий худбинликка, миллатлараро низоларга олиб келиши натижасида бутун башарият ривожига тўсиқ бўлиши муқаррар. Мустақил республикамизда миллий ва диний қадриятлар муштараклигига, халқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан бирга ривожланиш йўлидан бораётганлигига алоҳида аҳамият берилаётганлиги сабаби ҳам шундандир. Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва диний қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ куйидагилар диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди [1; 55]:

- "жаҳолатга қарши маърифат" улуғвор ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

- ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онг-у тафаккурини шакллантириш;

- динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг

асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

- жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

- жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

- диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

- глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборий-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратишдан иборатдир. Маълумки, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабат масаласига Ўзбекистон халқининг 2023 йил 30 апрелда референдумдаги тарихий қарори билан мамлакатимиз ўзининг тараққиёт йўлини – дунёвий демократик йўлни танлади. Янгиланган Конституцияда дунёвий давлат принципининг белгилаб қўйилганлиги – дунёвий тараққиёт, турли дин ва мазҳаблар ўртасидаги бағрикенгликка асосланган ўзаро тушуниб яшаш турмуш тарзи, диний бирлашмаларга мустақил ва эркин фаолият, дин ва эътиқод эркинлиги, тенглик, ижтимоий тинчлик ва барқарорлигимизни асраб-авайлаш учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор “Конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети яхлитлиги, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий, ва диний адоватни

тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш ва фаолият юргизиш тақиқланади". (31-модда)

Ҳар қандай дин сингари ислом дини ҳам бу эътиқод, иймондир, аммо сиёсат эмас. Динни сиёсатга аралаштириш ислом таълимотига, моҳиятига тўғри келмайди. Зеро, давлатнинг дин билан муносабатлари тамойилларини қуйидагича белгилаш мумкин [2; 10]:

- диндорларнинг диний туйғусини ҳурмат қилиш;

- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки уларнинг уюшмалари хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш, ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса ўрнида қуйидаги фикр ҳамда тавсияларни келтиришни лозим топдик:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг динлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, диний қадриятлардан ижобий мақсадда фойдаланиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;

2. Жамоат ва диний ташкилотлар ходимларининг республикада конфессиялараро ҳамкорлик ва бағрикенглик тарғиботи бўйича амалга ошираётган ишларини кенг тарғиб этиш учун хорижий сафарларини ташкил этиш.

3. Ўзбекистоннинг дипломатик ваколат-хоналарига мамлакатимизда экстремизм ва терроризмни олдини олиш, динлараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги материалларни, жумладан, аудиовизуал материалларни ОАВларида ёритиш учун тақдим этиб бориш.

4. Давлат, жамоат ва диний ташкилотлар веб-сайтлари, ижтимоий тармоқларда виждон эркинлигини таъминлаш, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ижобий ишларни кенг тарғиб этиш.

5. Жамоат ва диний ташкилотлар ходимларининг республикада конфессиялараро ҳамкорлик ва бағрикенглик тарғиботи бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш учун хорижий сафарларини ташкил этиш.

6. Хорижий ОАВда Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, шунингдек, виждон эркинлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар ҳақидаги кўрсатув ва роликлар намойишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Фалсафа ва ҳуқуқ. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат санаси: 04.12.2024.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони // <https://lex.uz/docs/4168749>. Мурожаат санаси: 04.12.2024.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони. 16.04.2018. // <https://lex.uz/docs/3686277?ONDATE=29.12.2023>. Мурожаат санаси: 04.12.2024.
5. ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2017. 3-сон.